

ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК САЙТЛАРНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Отабек Аллаяров,
Гулистон давлат унивуерситети, ўқитувчиси

Таянч иборалар: экстремизм, экстремистик мафкура, “Аксилтарғибот”, экстремистик гуруҳлар, жиҳод, “Кибер-Ал-Қоида”, ислом экстремистлари, халқаро тармоқ, Ал-Қоида, Асрор ал-Мужоҳидин, Inspire, “Асрор ал-Дардошоҳ” ва Глобал ислом медиафронт техник маркази

“Экстремизм” деганда одатда мавжуд ва умумқабул қилинган қарашлар, таълимотлар ва қадриятлар тизимини мутлақо инкор қилувчи, жамиятда қадриятлар комплексини тазйиқ ва зўравонлик билан ўзгартириш тарафдорларининг фаолияти тушунилади. Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда экстремизмни ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт деб изоҳлаш мумкин. Диний соҳадаги экстремизм ҳам ана шундай ғоя ва тамойилларга асосланади. Экстремизмнинг мазкур йўналиши XX аср охирида анча кенг миқёсда намоён бўлди. Бунга Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон, Косоводаги мудҳиш воқеалар мисол бўла олади. Диний соҳадаги экстремизм мазкур йўналишдаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакцион фаолияти бўлиб, ҳатто динга ҳам зарар келтиради. Унинг асосий мақсади — динни ниқоб қилиб, ҳокимиятни қўлга олиш, диний талабларнинг илк даражасига хос “софлиги”ни қайта тиклаш, диний талабларга мос сиёсий тузумни барпо этишдан иборат. Шу мақсадда жамиятнинг турли жабҳаларида диний тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, қурол кучи ва зўравонлик билан давлатни эгаллашга ҳаракат қилади. Охирги ҳисоб-китобларга қараганда Интернет тармоғида 10 000 атрофида экстремистик сайтлар ва уларга қарши курашувчи муҳолиф 100 та Интернет-саҳифалар мавжуд. Экстремистик сайтларда давлат тўнтариши ва урушлар ҳақида ахборотлар тарқатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Интернет тармоқларида авж олиб бораётган терроризм, экстремизм, турли бузғунчилик ҳолатларига тарғиб, фисқу-фасод, текширилмаган ҳар қандай ахборотлар оқимининг эркин алмашинуви унинг ғараз мақсадли кимсалар манфаати йўлида хизмат қилишига имкон яратмоқда. Интернет тармоғида маънавий таҳдидлар, ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари авж олса оляптики, асло камаймаяпти. Айниқса, ижтимоий онгни чалғитиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда. Бу ҳолат ҳар бир соғлом фикрли инсонни янада огоҳ бўлишга ундайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 2011 йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида: "...Такрор бўлсада, айтмоқчиман – ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас. Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди"¹, дея бежиз таъкидлаганлари йўқ. Маълумотларга кўра, бугунги кунда Интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этади. Инсонни сергакликка чорловчи яна бир маълумот, ҳозирда глобал тизим таркибида бузғунчилик, қўпуровчилик мақсадини кўзлайдиган кучларнинг 7000 дан ортиқ веб-саҳифалари ғаразли мақсадлар йўлида фаолият кўрсатмоқда².

Аммо, Президентимиз И.А.Каримов аниқ кўрсатганидек, “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.”³ Бундан ташқари, рус файласуфи Г.Померанцнинг айтишича, эндиликда кўпчилик телевидениега “видеонаркотик сифатида боғланиб қолмоқда ва ўзи сезмаган ҳолда унга тобе бўлиб қолмоқда. Энди ташқаридан қараганда эркин кўрингани билан бундай кишиларни хоҳлаган куйга солиб ўйнатиш мумкин.”⁴ Давлатимиз раҳбари ўринли таъкидлаётганидек, “Кейинги пайтда санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди. Барчамиз — қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиладиган ана шундай тажовузорлик кўринишларига қатъий равишда қарши туришимиз лозим.”⁵

Интернетда экстремизм — бу аввало тарғибот-ташвиқотдир. Экстремистлар сайтларида ўзлари эътиқод қиладиган бир қатор мақсад ва қарашлар, қадриятларни тарғиб қиладилар, уларнинг “илғор”, “муқаррар”лиги исботи келтирилади, қаршилар ва душманлар аниқланади.

Агарда ташкилот маълум бир субмаданиятга эътиқод қилса, унда кийиниш маданияти, ҳатти-ҳаракати, ташқи кўриниш ва бошқа шу каби масалалар бўйича маслаҳатлар берилади. Кундалик ҳаётга оид маслаҳатлар берилади — нима қилиш мумкин-у, нима мумкин эмас, “тўғри” нарсани тўғри бажаришни ва бошқалар шулар жумласидандир. Кейин у ёки бу кўринишда ўз ҳамфикрларини “қўшилиш” ёки “кураш”га чақирадилар. Одатга кўра, маълум бир ҳаракат ва ташкилот интернет сайтлари воситасида, шунингдек жамоатчилик ва сиёсий форум ва блогосфераларида, бундан ташқари Ер қуррасининг исталган нуқтаси доменли зонасида хослашиши мумкинлиги диний экстремистик сайтларнинг кенгайишига шароит яратиб бермоқда.

Бундай сайт эгалари аъзолари орасида акциялар, уларнинг иштирокчиларини хабардор этилишини таъминлайдилар, шунингдек улар ўз аъзоларига акцияни қандай қилиб “саводли” олиб бориш, ҳар бир босқичида ва ундан кейин қилинадиган ишлар, ҳатто тарғиботлар қилишларгача ўргатади. Бундай “романтика”га асосан ёшлар ишонади, бу эса улар энергиясини деструктив йўналишга буриб юборади. Шундай тарғибот ва ташвиқот асосида шаклланиш босқичидаги ёшлар ва таъсирчан ижтимоий қатлам вакилларида табиий равишда оламни адолатлироқ қилиш (масалан элиталар шаклланиши, ночорлик, меҳнат ҳақи, жиноятчиликнинг юқори даражадалиги, оддий фуқаро ҳуқуқини ҳимоялашда адолатсизлик, ишсизлик, қонуний идоралар томонидан сиёсий тизимга таъсир суғлиги ва ҳ.к. масалалар юзасидан) хоҳиши юзага келиб, умумқабул қилинган қадриятларни рад этиб, ўзини ижтимоий фикрга қарши қўя бошлайди, мутахассис сифатида шаклланиш ўрнига, келажаги йўқ йўналишга тушиб қоладилар. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 18 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан. Чунки, бу ёшдаги кишилар янгиликка жуда ўч, турфа ахборотга қизиқувчан тоифа саналади. Ўзбекистонда ҳам Интернетдан фойдаланувчилар сони кун сайин ўсиб, ҳозирги пайтда 10 миллион 200 мингга етган. Маълумки, Интернетнинг инсон учун кўплаб ижобий жиҳатлари билан бирга айрим салбий жиҳатларини ҳам эътироф этиш адолатдан бўлар эди. Қисқа, кўпинча экстремистик характерда бўлувчи йўл энг яхши йўл эмаслигини билиш учун эса етарлича билим ва ҳаётий тажриба керак бўлади.

Экстремистик мафкура таъсирига тушиб қолган ёш йигит-қизлардаги асосий белгиларни қуйидагича изоҳлаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

—уларнинг ҳатти-ҳаракатлари кескин ёки кўпол бўлиб қолади, уларда ноодатий ёки жаргон лексика шаклланади. Шунингдек, маълум бир субмаданият қоидаларига мос равишда бирдан кийиниш услуби ва ташқи кўринишини ўзгартиради;

—компьютерда сиёсий-экстремистик ёки ижтимоий-экстремал мазмундаги файллар, ролик ёки тасвирлар кўпайиб боради. Ўз навбатида хонадонда тушунарсиз ёки ноодатий тимсол ва атрибутлар, қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган совук предметлар пайдо бўла бошлайди;

—ёшлар компьютерда кўп вақт ўтказиб, мактаб, олий таълим, бадиий адабиётга, фильм, компьютер ўйинларига алоқадор бўлмаган таълим олиш билан шуғулланадилар. Оқибатда уларда ёмон одатлар кўпайиб боради;

—сиёсий ва ижтимоий мавзуларда кўп гапира бошлайди, бунда сабрсизлик ҳамда кескин мулоҳазалар кузатилади. Шунингдек, интернетдаги тахаллус, парол ва ҳ.к. экстремал-сиёсий характер касб этади;

—антиижтимоийлик, тарихий шаклланган, ижтимоий ҳуқуқий ўзаро ҳамкорлик позитив шакллари ва моделларини, қизиқишлар мавжуд балансини бузади, ўзаро ҳамкорликда можароли макон яратади;

—институционаллик, у чегаравий шароитда ва маргинал маконларда пишиб етилади ва институтлаштирилади;

—сиёсий-ҳуқуқий тафаккур бузилиши, чунки экстремистик фаолият субъекти кўпинча деформациялашган онгли бўлади, унинг ижтимоий-маданий муҳит, норма ва қадриятлардан қочиши кузатилади.

Албатта, ҳаммамизга маълум бола тарбияси мактаб ва ота-она гарданига тушади. Аммо ҳозирги кунда мактаб бундай вазифани тўлалигича бажаролмайди, шунинг учун уйда ота-она томонидан бола тарбияси, унинг “қалби учун кураш” олиб борилиши керак. Бунда ёшларни кескинлик билан ёки тазйиқ ўтказиб тўғри йўлга солиб бўлмайди. Зўравонликсиз, юмшоқлик билан тушунтириш ишлари олиб борилиши зарур. “Аксилтарғибот” ишларининг бош тезиси – инсон оламни ўзгартириш учун кўпроқ ўқиса ва яхши ўқиса, натижада жамиятда етакчи мутахассис ва обрў-эътиборли одамга айланса, унинг эргашувчилари табиийки кўпроқ бўлади, шунда яхши мақсадларга эришиши муқаррарлиги таъминланган бўлади, деб босим ўтказмай қалбан ёндашиб боланинг онгига “етказиш” лозим. Боланинг хатти-ҳаракатларини мутлақо қоралаш керак эмас, бу унинг қарши реакция — ҳимоя позициясини олишига олиб келади. Ҳеч қачон экстремизм — ижтимоий ҳасталик эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун унга жарроҳнинг эмас, психолог қуроллари билан ёндашиш керак.

Интернетнинг улкан имкониятларидан фойдаланган ҳолда, инсон қалби ва онгини забт этишда диний омилнинг ҳам роли юқори ҳисобланади. Чунки, Интернет диний тушунчаларни нотўғри талқин этишда, инсонларни, айниқса, ҳали онги тўлиқ шаклланмаган ва диний билимлари ўта саёз ёшларни ўз домига тортишда энг самарали воситалардан бири саналади. Шу ўринда экстремистик гуруҳларнинг Интернетдан фойдаланишига бошқа сабаблар ҳам бор эканини қайд этиш даркор. Жумладан,

—Интернет тизими билан осон боғланиш имконияти;

—Интернетдаги фаолиятни қонуний тарзда назорат қилишнинг қийин эканлиги;

—дунёнинг хоҳлаган жойидан туриб маълумотларни тарқатиш имкониятининг мавжудлиги;

—чексиз аудитория ва маълумотни етказишдаги юқори тезлик;

—маълумот тарқатувчилар махфийлигининг таъминланиши;

—матн, тасвир ва овоз уйғунлигидаги ахборотни жойлаш каби қулайликлар террорчиларни ўзига жалб этмай қолмайди.

Ҳозирда энг ашаддий саналган экстремистик оқимларнинг сайтларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда бузғунчи кимсалар томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар диний жихатдан оқланиши, ўзларини дин ҳимоячилари сифатида кўрсатишлари, “шаҳидлик белбоғи”ни портлатиб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлган жиноятчиларни “шаҳидлар султони”, деб эълон қилиб, жаннатга тўсиқсиз қирувчи авлиё сифатида тасвирлаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Диний-экстремистик оқим вакиллари ислом динининг ўта нозик ва ҳассослик билан ёндашиш талаб этиладиган, “куфр”, “жиход”, “ҳижрат”, “шаҳид” каби тушунчаларини

турли саводсиз кимсаларнинг фатволарига таянган ҳолда, лекин жуда таъсирли шаклда талқин этиб боришга алоҳида урғу беришмоқда. Жумладан, исломни никоб қилиб, унинг номидан иш олиб боришга интилаётган экстремистик ҳаракатлар «жиход – мусулмоннинг ғайридинларга қарши муқаддас уруши», деб талқин этмоқда. Бундай талқин динимизнинг гўёки, ёвузликка, жангу жадал, уруш, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши кураш олиб боришга асослангани ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

“Кибер-Ал-Қоида” ёки ислом экстремистлари Интернетдан ўз мақсадлари йўлида кенг фойдаланишмоқда. Халқаро доирада амал қилувчи ислом махфий фаолияти аллақачон Интернетнинг барча имкониятларини ўзлаштириб бўлди. Халқаро тармоқнинг туғилиши биланоқ радикал кайфиятдаги ҳаракатлар уни турли мақсадларда: янги тарафдорларни ёллашдан тортиб, то тарғибот-ташвиқот ишлари, молиялаштириш ишлари, химояланган алоқа воситасини ўрнатишгача бўлган барча амалиётларини у орқали бажарган. Бугунги кунда вазият қандай, оламнинг етакчи махсус хизматлари Интернетнинг исталган фойдаланувчисини назорат қилиш мумкинлиги ҳақида очикчасига айтиётган бир пайтда бу ҳолат ўзгарганми ёки давом этаяптими?

Табиийки, тармоқнинг барча фойдаланувчилари каби экстремистлар турли хил сайтлар ва форумларга кириб кўради ва мудом шакллантирилиб бориладиган дастурли таъминотдан фойдаланади, тармоқли таъминот, шу жумладан Интернет орқали махфий мулоқот 11 сентябрь воқеаларигача ҳам мавжуд бўлган, бироқ то тармоқда “Ал-Қоида”нинг биринчи расмий сайти ташкил этилмагунга қадар ўзларини овоза қилишни лозим топмаганлар. “Ал-Қоида” сайти ўша вақтлардаги веб-ресурслардан фарқ қилмаган, унинг катта қисмини статик (турғун, мувозанат ҳолатидаги) тасвирлар ва турлича эълонлар (асосан араб тилида), шунингдек, бир нечта қисқа видеороликлар ташкил қилган. Бироқ барча саҳифаларнинг бир хил қора байроқ асосидаги логотип билан “маркировка” қилиниши махсус хизмат ҳодимларига сайт эгаларини идентификация қилиш учун катта қийинчилик туғдирмади ва маълум вақтгача сайт ёпилган. Лекин тармоқда “Ал-Қоида”нинг расмий ташкилоти пайдо бўлгач, сайтда бошқа террорчиларнинг ўзини ошқор қилиши тезлик билан кенгайиб борди. Ёмғирдан кейинги кўзиқоринлар каби уларни қўллаб-қувватловчи кўплаб саҳифалар, турли хил кўринишдаги форум ва ижтимоий тармоқлар “болалаб” кетди. Мазкур ресурсларда “Ал-Қоида” билан бевосита алоқадорлик тилга олинмаган. Аммо унинг мафкураси билан таниш бўлган ҳар қандай одам кичик деталлар воситасида ҳамфикр биродарлари орасида эканлигини билган. “Ал-Қоида”нинг расман қарор топишига олиб келди, аммо эндиликда у мутлақо ўзгача форматда эди. ФБРнинг террорчилик масалалари бўйича маслаҳатчиси Эвана Колман фикрича, шундай бўлиши табиий эди, яъни янги сайтлар “Ал-Қоида” томонидан эмас, балки тарафдорлари томонидан яратилганди ва ўз навбатида, тўлақонли ижтимоий тармоқларни яратишда “асқотадиган” замонавий технологиялар дунёсида билим даражасини намоиш этиб, бу гуруҳнинг ҳақиқий аъзолари диққатини жалб қилди. Четдан кузатадиган бўлсангиз, дейди Колман, уларнинг дунё турли минтақаларида рўй берадиган теракт ва бошқа исломий акцияларни деталларда билиши ғайриоддий туюлади. Вақти келиб бунақалар ўзлари торроқ доирада бўлса ҳам мустақил, аммо шундай экстремистик кайфиятда ташкилот тузишга мойил бўлади. Мисол учун “Ал-Қоида”нинг Ироқдаги машҳур аъзоси ал-Зарқави 26 ёшли америкалик телекоммуникациялар бўйича муҳандис Ника Бергнинг бошини танасидан жудо этилгани тасвирланган видеодан кейин машҳур бўлган. Кейинроқ айнан шу ресурсда террорчилар ҳақидаги видеолар намоиш этилди, шундан сўнг бу форум шахсий сайт эмас, “Ал-Қоида”нинг расмий медиа вакили эканлигига шубҳа қолмади. Ҳозирда учта йирик ислом форумлари мавжуд, улар контенти жиҳатидан деярли бир хил. 2001 йилда ташкил этилган “Ал-Қоида” каби бу форумларнинг махсус қисмида видеоролик, фото ва эълонларнинг расмий келиб чиқишини тасдиқловчи “фотиха”лар ҳам мавжуд. Улардан бири ёки иккитаси ҳукумат ташкилотлари томонидан блокировка ёки ёпиб қўйилса, учинчиси материалларни тарқатишда давом этаверади. Деярли ўша вақтдан бошлаб ёзишмаларни, муҳбирларнинг турар жойи ва шахсини махфий тутишининг турли усуллари юзага кела бошлади. Бундай дастурлар PGP каби

махфийлаштириш воситаларига ўхшаш бўлади, аммо дастлаб фақат араб тилдаги сайтларда тарқатилган. Масалан, шундай дастурлардан бири «Асрор ал-Мужоҳидин» (Мужоҳидлар сирлари), Inspire (Ал-Қоида томонидан ҳар чоракда чиқарилувчи) журнал машҳур бўлган. Мазкур дастур матнли хабарларни шифрлаш ва дешифрлаштириш учун рақамли калитни генерация қилиш имконини беради. «Асрор ал-Мужоҳидин» нинг икки хил варианты чиқди иккинчиси доимий равишда форумларда хабарларни рақамлар воситасида ва рақамли имзолар билан махфий узатар эди. Яна бир машҳур дастур 2013 йилда чиққан «Асрор ал-Дардошоҳ» (Чат сири) – очиқ интернет-мессенжер Pidgin учун криптоплагин бўлиб, барча машҳур тармоқлар, масалан: Jabber, ICQ, Google Talk ва Yahoo! Messenger билан сиғишаверади. 2013 йил сентябр ойида PGP Android ва Symbian бошқарувидаги смартфонлар учун «Шифрлаштиришнинг мобил версияси» чиқди.

Барча дастурлар Глобал ислом медиафронт техник маркази (GIMF) маркаси остида тарқатилади. Техник нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак бирор бир янги ва қизиқарли жиҳати йўқ, чунки оммавий калитлар воситасида шифрлаш кўп браузерлар томонидан қўлланилади. Аммо буларнинг бошқаларникидан фарқи инструкцияларини асосан араб тилида шакллантирадилар. PGP кашфиётчиси Фил Циммерман бундай дастур жуда саводли ёзилган бўлса жамиятнинг барқарор таракқиёти учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаришини алоҳида таъкидлаб ўтган. 2013 йил декабрь ойида «Ал-Қоида»нинг расмий техник ҳамкори янги «Мужоҳид хавфсизлиги» шифрлаш дастури чиққанлигини эълон қилган. Бу дастурнинг чиқиши Яқин Шарқ ва Африкада 30 та ваколатхона ёпилишига олиб келган. Мазкур дастурнинг ишлаб чиқиши 2013 йилда АҚШ «Ал-Қоида»нинг ёзишмаларини тутиб олганига жавоб реакцияси сифатида баҳоланган. Янги воситанинг чиқиши экстремистларнинг техник имкониятлари ва изчиллик билан онлайн хавфсизлик даражасини оширишга ҳаракат қилишини кўрсатиб турибди.

Хуллас, бугунги мустақиллик шароитида фуқаролар, айниқса ёшлар диний экстремизмнинг Ўзбекистон мусулмонлари эътиқод қилиб келган ҳанафийлик мазҳабига тамомила зид эканлигини тўғри англаб, чуқур тушуниб етишлари лозим. Бунинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли уларга қарши маърифат йўлини кенгайтиришдир. Буни амалга ошириш зиёлилар, ўқимишли кишилар, талабалар, диний уюшмалар ва имом-хатибларнинг вазифаси ва бурчи бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. <http://www.anton.su/z/uz/index.php?mod=article&cat=Politics&article=2011>
2. Renaud Girard. Les guerres « au scalpel » d'Obama contre al - Qaida. <http://www.lefigaro.fr/international/2010/08/16/01003-20100816ARTFIG00515-les-guerres-au-scalpel-d-obama-contre-al-qaida.php>
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч.— Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Померанц Г. Страстная односторонность и бесстрастие духа — СПб.: Университетская книга, 1998.

В данной статье с научно-практической точки зрения рассматриваются идеологические основы воздействия экстремистических сайтов на мировоззрение молодежи. А также, анализируются признаки у молодых людей впавших под воздействие экстремизма.

In this paper, with the scientific and practical point of view considered the ideological foundations of the impact extremisticheskikh sites on the outlook of youth. Also, analyzes symptoms in young people who have fallen under the influence of extremism.